
СЎХДА ҲАРБИЙЛАР УЧУН ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР ҲАМДА ХИЗМАТ БИНОЛАРИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 31 йиллик байрами Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг Сўх туманидаги ҳарбий қисми аскар ва офицерлари учун қўшалок байрамга айланди: Бугун замонавий кўп қаватли турар-жойлар ҳамда хизмат бинолари тантанали тадбир билан фойдаланишга топширилди.

Вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Хайрулло Бозоров, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари кўмондони Лутфулла Бузруков, вилоят секторлари ҳамда ДХХ вилоят бошқармаси раҳбарлари иштирокида ўтказилган тадбирларда дастлаб Сариканда маҳалласидаги жами 34 млрд. сўм маблағ ҳисобига амалга оширилган мажмуа – мукамал таъмирланган ҳарбий қисм штаби биноти, бу ерда янги қуриб битказилган спорт зал, клуб, тиббиёт маскани ҳамда асосийси 48 та хонадондан иборат турар жойлар фойдаланишга топширилди. Вилоят раҳбари ҳарбийларга ва оилаларига барча қулайликларга эга янги турар жой калитларини тантанали топширди.

Шарқобод маҳалласида жойлашган ҳарбий қисмнинг қўриқлаш взводи ихтиёрига топширилган янги маъмурий бино ҳамда ҳарбийларнинг оилалари учун қурилган кўп қаватли уй-жойлар ҳам Ватанимиз сарҳадлари ҳимоячиларига муносиб байрам тухфаси бўлди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-25 00:40:01